**МИЛЛАТ ТАРИХИ, АЖДОДЛАР ТАФАККУРИ МУЖАССАМ**
Шукрки, мустақиллик шарофати билан миллий тарихимизга бегона бўлган ясама номлар ўрнига қадимий, халқимизнинг ақл-заковати маҳсули бўлган номлар қайта тикланди. **5 бет**

**АЖРАШИШДАН ОСОНИ ЙЎҚ, АММО...**
Ажратиш осон, аммо ажралиш арафасида турган эр-хотинни муросага келтиришнинг ўзи бўлмайди. Зеро, халқимиз бежиз: "Қушнинг ҳам уйи бузилмасин", демаган-да. **6 бет**

**НИКОҲ ШАРТНОМАСИ: ИШОНЧ ВА КАФОЛАТ**
Бу ҳужжат турмуш қуриш арафасидаги ёшларга бир-бирларининг молиявий аҳволи хусусида аниқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради. **6 бет**

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

32 (738)

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри | 2010 йил 12 август. Пайшанба | 1996 йилдан чиқа бошлаган

Ҳашар — элга ярашар

## ЭЗГУ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ







**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 июлда қабул қилинган фармойишига мувофиқ мамлакатимизда 14-15 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.**

Ўзи истиқомат қилаётган ҳудудни, ҳовлисини, кўча-кўй, маҳалласини озода сақлаш халқимизнинг азалий қадриятларидан. Асрлар давомида шаклланган бу анъана истиқлол йилларида тобора сайқал топиб бормоқда. Шу боис юртимизнинг бирор манзилига йўлингиз тушгудек бўлса, у ерларда кўчаларни, ҳовли ва мактабларни, маҳалла гузарларини обод қилаётган, гул ва кўчатлар экиб, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаётган ҳамюртларимизни учратасиз. Энг муҳими, фуқаролар йиғини мутасаддилари саъй-ҳаракатлари, қолаверса, маҳалла фаоллари ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларида ҳашар уюштирилаётгани аҳолини янада жипслаштиришга, эзгу мақсад сари йўналтиришга хизмат қилаётир. Зеро, яхши ният кишини фақат эзгу амалларга ундайди.

Маҳаллаларда ҳашар ўтказилишининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда ёшу қари бирдек овул, қишлоқ ва маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига ҳисса қўшади. Эътиборлиси, ҳашар ўсиб келаётган баркамол авлоднинг, ўспирин ёшларнинг қалб қўрида, онгида минг йиллик қадрият сифатида муҳрланади. Бу эса, умумхалқ хайрия ҳашарининг узоқ йиллик тарихига ва келажагига ишончдир.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

«Маҳалла куни» тадбири

## БАҒРИКЕНГЛИК ВА МУРУВВАТ МАСКАНИ

**Юртимизда энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 19 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Ушбу шодиёна арафасида кўплаб байрам тадбирларини ўтказиш анъанага айланган. Хусусан, "Маҳалла куни" саховат тадбири ҳам "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон", деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ҳолда жойларда кўтаринки руҳда ўтмоқда.**




Халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, саховат ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, кўчалар, аҳоли тураржойларини ободонлаштиришдек эзгу саъй-ҳаракатларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар), маслаҳатчилару кайвониларнинг алоҳида ўрни бор.

Айниқса, фуқаролар йиғинлари мутасаддилари, фаоллари бу йилги "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, ёшлар тарбияси билан шуғулланиш, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Илғорлар фаолияти эса, кўрик-танловлар доирасида муносиб рағбатлантириб келиняпти.

Куни кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройининг ёзги биносида Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишлаб, "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" мавзусида анъанавий "Маҳалла куни" байрам тадбири ўтказилди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

## ҚАРИЯЛАР ҚАДР ТОПГАН ЮРТ



**Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги йилларга назар ташлайдиган бўлсак, болалар ва оналар саломатлигига, ёш авлод тарбиясига, инсон қадр-қимматини баланд кўтаришга алоҳида эътибор бериб келинаётганига гувоҳ бўламиз. Кекса авлод, меҳнат ва уруш фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар эса алоҳида таҳсинга лойиқдир.**

Энг муҳими, ёшу кексага бўлган меҳрибонликлар, ғамхўрликлар изчил давом эттирилмоқдаки, бу барчамизнинг зиммамизга катта масъулиятлар юклайди.

Нуронийларни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш, кўнглини олиш, эъзозлаш халқимизнинг табиатига хос бўлган миллий қадриятларимиздан саналади. «Қари билганини — пари билмас», «Қариси бор уйнинг париси бор», деган ҳикмат бежиз асрлар оша яшаб, авлоддан авлодга ўтиб келмаяпти. Ушбу ҳақиқатнинг моҳиятида катта тажриба эгалари, ҳаётнинг пасту баландлигини бошидан кечирган, ҳар бир ишда тадбир топа оладиган, тўғри маслаҳат берадиган, билимли, ақлли авлод салоҳияти балқиб туради.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида кекса авлод вакиллари ҳамиша камарбастадирлар. Уларнинг панд-насиҳатлари, кўрсатаётган йўл-йўриқлари, энг муҳими, амалий ишлари, шахсий ибрати ёш авлод учун катта мадад, қўш қанот бўлаётгани, айниқса, қувончлидир.

Вилоятимизда 201410 нафар фахрий истиқомат қилади. Шундан 1079 нафари иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Ҳалок бўлган жангчилар оиласи 761 тани ташкил этади. Фан докторлари, номзодлари сони 1000 нафардан зиёд. Фахрийларимизнинг 158 нафари 100 ёшга етган ва ундан ошган онахон-отахонларимиздир.

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ > [3]

Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

## ҲАР БИР КУНИ ҒАНИМАТ

**Неъматжон фермер тонг саҳарда яна Қумқўрғонга, даласига отланди. Кечқурун ғўзага сув очганди. Чунки саратонда ғўза, асосан, тунда суғорилади. Бу, аввало, ниҳол чанқоғини қондиришда қўл келса, яна бир жиҳати борки, бебаҳо неъмат — сув исрофгарчилигининг олди олинади.**

Неъматжон ҳам ота-боболар синовидан ўтган ана шу усулдан унумли фойдаланади. Сувчилари тажрибали. Тунги суғоришнинг ҳадисини олишган. Йўл-йўлакай ана шулар ҳақида ўй суриб, у даласига етиб келганини ҳам сезмай қолди. Тонг ёруғидан ғўза қатор оралари бир текис намлангани кўриниб турибди. Кўриб, кўзи қувонди. Шийпонда донг қотиб ухлаб ётган сувчиларни безовта қилмаслик учун секин самоварга ўт қалади. Ҳали-замон хўжалик аъзолари етиб келишади.

Чой қайнагунча бугунги ишларни режалаштириб олди. 8 гектарли майдондаги қатор ораларини оралаб, ниҳолларга тоза ҳаво киритиш керак. Унинг ёнидаги яқинда суғорилган ерни юмшатиш учун тракторни культивацияга тайёрлаш зарур. Бирин-кейин келишни бошлаган фермер хўжалиги аъзоларига ишларни ушбу режа бўйича тақсимлади.

Неъматжон Абдураҳимов беш йилдирки, Наманган туманидаги «Абдураҳим бобо» фермер хўжалиги раҳбари. Ҳар йили пахта ва ғалладан юқори ҳосил олиб, шартнома режаларини ортиғи билан уддалаб келаётган илғор фермерлардан. Бу йил ҳам салкам 61 гектар майдонда пахта етиштирмоқда. Яқинда вилоятдан келган мутахассислар ҳам ғўза парваришини кўриб, раҳмат айтиб кетишди. Чунки ҳар туп ғўзада ўртача 13-15 тадан бўлиқ кўсак, 28-30 тадан ҳосил нишоналарини санаш мумкин-да. Мана, кўзни қувнатиб, пахта ҳам очила бошлади.

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ > [3]

Ҳафта мавзуси

## ЖАМҒАРМА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИДА

**"Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқарувида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тураржойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижро учун қабул қилинди.**

Қарор мазмуни билан тўлиқ танишиб чиқилиб, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалар орқали барча фуқаролар йиғинларига етказилиши ва ижроси назоратта олиниши таъкидланди. Қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалда қўлланиши бўйича фуқаролар йиғинларида тушунтириш ишлари олиб бориш лозимлиги айтиб ўтилди.

Республика бошқаруви масъул ходимлари ва ҳудудий бўлимлар томонидан фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш муддатлари асоссиз бузилишининг олдини олиш чораларини кўриш, иш юритиш тизимининг самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июлдаги фармойишига мувофиқ, 2010 йилнинг август ойида ободонлаштириш ва тозалик ойлигини ҳамда 14-15 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказишни ташкил этиш масалалари тўғрисидаги мажлис баёни ижро учун қабул қилинди. Унга кўра, ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарини жойларда самарали ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича режалар ишлаб чиқилиб, ишчи гуруҳи штаблари ишини самарали ташкиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, фуқаролар йиғинлари Яраштириш комиссияси ишини амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ ташкил этишга масъул эканликлари қайд этилди.

"Футболимиз келажаги" спорт мусобақаларининг минтақавий босқичларини самарали ўтказиш чорлари белгиланди.

Йиғилишда кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

**Мухбиримиз.**

Маҳалла — оилавий бизнес маркази

## КИЧИК ЙИҒИНДАГИ КАТТА ИШЛАР

**Шофиркон туманидаги Вардонзе қишлоғи боғдорчилик ривож топган ҳудудлардан саналади. Айни пайтда ҳудудда 22 та боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги фаолият юритиб, уларда 70 нафар киши меҳнат қилмоқда.**

Ўтган йили хўжаликлар аъзолари айни пишиқчилик пайтида етиштирилган ҳосилни тўла-тўкис йиғиштириб олишга улгурмагандилар. Тўғри, ҳосилнинг йиғиштириб олинган қисми ҳисобидан ҳам фойда кўрилди. Аммо анчагина ноз-неъматнинг увол бўлгани ёмон-да.

Бу йил Вардонзе қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Авазмурод Қўлдошев ўзига хос тажрибага қўл урди. Ишсиз юрган 18 нафар ҳамқишлоқларини ҳузурига чорлаб, «Пурқи Сармаст» муқобил машина-трактор паркига тегишли бўш майдонни меваларни қуритиш учун тақсимлаб берди. Маҳсулот етказиб бериш хусусида фермерлар билан келишиб олди.

Албатта, меваларни териш, белгиланган майдонга олиб келиш, қуритиш бир неча босқичли жараён. Шу боис ўн саккиз нафар ишчи бу меҳнатта оила аъзоларини ҳам жалб этдилар.

— Ўтган икки ой давомида оиламиз билан ўн тоннага яқин мева қуритиб, туршак, олмақоқи сингари маҳсулотлар тайёрладик, — дейди йиғин раиси кўмагида мавсумий иш билан таъминланган оила соҳибларидан бири Акбар Султонов. — Ишни барқарор йўлга қўйиб олгунча хом-ашёни фермерлардан насияга олиб турдик. Тез орада маҳсулотимизга мижозлар ҳам кела бошлади. Натижада фермерлардан қарзимизни узиш баробарида анчагина даромад олдик.

— Қиш-баҳор фаслида ҳам меваларни қуритиб, қайта ишлаш имконияти бор, — дейди йиғин раиси А. Қўлдошев. — Шу боис, бу борадаги ишимизни кенгайтириб, маҳсулотларни янада яхшилаш мақсадида уни саноат усулида қайта ишлашни режалаштирдик.

Раиснинг гапига қараганда, шу қишлоқлик тадбиркор Умид Ҳайитов имтиёзли кредит асосида 24 миллион сўмлик мева қуритиш цехини харид қилди. Тез орада бу цех ишга тушади.

Кичик тадбиркорлик, айниқса, оилавий бизнесни ривожлантириш аҳоли фаровонлигининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Буни чуқур англаб етган вардонзеликлар тадбиркорликнинг турли йўналишларида ўз имкониятларини синаб кўришмоқда.

Қулмурод Исматов раҳбарлик қилаётган «Омад юлдузлари шодаси» фермер хўжалиги томонидан эса 100 бошдан зиёд наслли қорамол боқилиб, аввало, қишлоқдошларга таклиф этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, йиғинда якка тартибдаги чорвачиликнинг ривожига туртки бўлмоқда.

**Акбар РУСТАМОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Миллий қадрият

## ЁН ҚЎШНИЛАР — ЖОН ҚЎШНИЛАР

**Қўшнилар деганда, одатда, уйлари, ҳовли-жойлари ёнма-ён, яқин кишилар, оилалар, хонадонлар тушунилади. Аммо халқимизга хос фазилатлардан бири — қўшничиликда ҳовли-жой ёки хонадонларнинг шунчаки яқинлиги, ёнма-ён ёки қарама-қаршилиги эмас, балки кўнгилларнинг яқинлиги, меҳр-оқибат ришталарининг мустаҳкамлиги, яхши-ёмон кунларда ҳамдам бўлмоқликдек азалий қадриятлар тушунилади.**



СПОРТ > [8]



**УЛАР СИНГАПУРДА ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ**

Гулноза Матниёзова, Мансур Мўминхўжаев (дзюдо), Азиза Мамажонова (бадиий гимнастика), Абубакир Расулов (таэквондо), Эдуард Шаулов, Дилноза Абдусалимова (спорт гимнастикаси), Элмурод Холиқов (стол тенниси), Зиёвиддин Қутбиддинов, Ганна Пуставарова (оғир атлетика), Юлдуз Кўчқорова, Дмитрий Швецов (сузиш), Нурбек Ҳаққулов, Руслан Комилов (юнон-рум кураши), Диёр Эргашев, Нилуфар Гадоева (эркин кураш), Зоҳиджон Ҳурбоев, Аҳмад Мамажонов, Сардор Бегалиев (бокс), Руслан Қурбонов, Анастасия Байкова (енгил атлетика), Ленара Асанова (ўқ отиш).

# ЮРТ ШАЪНИНИ УЛУҒЛАР ЁШЛАР

## 14 август куни Сингапур шаҳрида ўсмирлар ўртасидаги 1-Олимпия ўйинларига старт берилади

**Халқаро олимпия қўмитаси томонидан ўтказилиши белгиланган ушбу спорт ўйинларининг илк тамал тоши Ўзбекистонда қўйилган эди, десак муболаға бўлмайди. Боиси, бундан 10 йиллар муқаддам мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли спорт ўйинлари тизими ҳамда юртимизда болалар спортига берилаётган алоҳида эътибор қисқа фурсатда жаҳон жамоатчилигининг эътибору эътирофига сабаб бўлди.**

Айнан болалар спортига ўзбекона эътибор натижасида дунёнинг турли бурчакларида ёш спортчиларнинг фестиваллари, шоу-спорт мусобақалари, семинарлар ташкил этила бошланди. Жумладан, 2007 йили Америка қитъасида «Экспо спорт» ўйинлари, Европада «Болалар спорт ўйинлари», 2008 йили Россиянинг Сибирь ўлкасида «Осиё болалари» фестивали, Сингапурда ўсмирлар ўртасида Осиё ўйинлари ва бошқа қатор мусобақаларнинг андозаси уч босқичли спорт ўйинларининг кенжа бўғини бўлган «Умид ниҳоллари»дан олинганди.

2008 йилнинг 10 декабрида Халқаро олимпия қўмитасининг Ижроқўми йиғилишида мазкур масала хусусида сўз юритганлар дунёда болалар спортини ривожлантириш орқали инсониятнинг соғлом турмуш тарзидаги фаоллигини ошириш лозимлигини таъкидлаб ўтгандилар. Шу фикрлар асносида ўсмирлар ўртасидаги 1-Олимпия ўйинларига асос солинди.

14 — 26 август кунлари Сингапурда ўтадиган мазкур ўйинларда дунёнинг 205 та давлатидан 3594 нафар ёш спортчи 29 та спорт тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришади. Мамлакатимизнинг 21 нафар спортчиси ўйинларнинг 18 та турида медалларга даъвогарлик қилишади.

Ўтган душанба, 9 август куни пойтахт аэропортида Сингапур олимпиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган мамлакатимиз спорт делегациясини кузатиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда сўз олган спортчилар, ота-оналар, мураббийлар ушбу мусобақада муносиб қатнашиш учун давлатимиз томонидан спортчиларимизга яратиб берилган шарт-шароитлар ҳақида сўз юритишиб, Сингапур майдонларида Ўзбекистон номини улуғлаш шараф эканлигини, мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрамига медаллар шодасини тортиқ этишларини таъкидлашди. Мутахассисларнинг эътирофича, Сингапур майдонларида бокс, эркин кураш, оғир атлетика, бадиий гимнастика, таэквондо йўналишларида ўсмирларимизнинг имкониятлари юқори.

Илк бор ўтказилаётган ўсмирлар олимпиадасининг саралаш мусобақаларини ташкил этишда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор. Бокс, бадиий гимнастика, оғир атлетика, эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича Сингапур олимпиадасига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга айнан Тошкент мезбонлик қилган эди. Айтиш лозимки, Сингапур олимпиадасининг Осиё қитъасидаги энг кўп саралаш турнирлари Ўзбекистонда ўтказилди. Шунинг ўзиёқ юртимиз қисқа фурсатда жаҳон спортининг марказларидан бирига айланганлигини кўрсатмоқда.

**Тўлқин РЎЗИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Миллий қадрият

# ЁН ҚЎШНИЛАР — ЖОН ҚЎШНИЛАР

< [1]



Қадим-қадимдан ота-боболаримиз, момоларимиз қўшничилик бобида беназир бўлишган. Улар қўшни хонадондаги маросимга ўзлариникидек қарашган. Шу боис ҳануз тансиқ таом пиширишса, қўшнига илиниш, зарур пайтда кўмак бериш, фарзанд тарбияси ва бошқа масалаларда ўзаро бамаслаҳат иш юритишдек одатлар мерос бўлиб келмоқда. Аслида, бу одатлар замирида тинчликнинг қадрига етиш, дўстона ва меҳрли турмуш кечириш, фарзандларни комил инсонлар қилиб тарбиялаш, ҳаётга муҳаббатдек эзгу мақсадлар ётади.

Оилада бўлиб турадиган нотинчликни қўшнилар эшитишидан истиҳола қилиб, беихтиёр овозимизни пасайтирамиз, истамасак-да жанжалга барҳам берамиз. Бу ҳол ҳам қайсидир маънода турли нохушликларнинг олдини олса, зарур пайтдаги ўзаро беғараз ёрдамлар орадаги меҳр-оқибат туйғусини кучайтиради. Шунинг учун ҳам халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч», «Ён қўшни — жон қўшни», «Гилам сотсанг қўшниңгга сот, бир четида ўзинг ҳам ўтирасан», «Ҳовли олма, қўшни ол» сингари мақоллар неча асрлардан буён инсонларни эзгу ғояларга ундаб келмоқда.

Яқинда бемор танишимни кўргани шифохонага борсам, унинг хонадоши — тўрт ёшлардаги оёғи синиб қолган қизчани олиб ётган аёл эътиборимни тортди. Қизча унинг фарзанди десам, аёлнинг ёши катта. Бироқ у набирали аёлга ҳам ўхшамасди. Хуллас, қизиққанимни сезди, шекилли, аёл гап бошлади:

— Қўшнимнинг қизи. Ўзининг чақалоғи бор. Эри ишли одам. Қариндошлари узоқда туришади. Ҳозир меҳнат таътилидаман. Қўшним бояқишга шундай пайтда бирровга қарашмасам, қачон ёрдамим тегади?

Шу пайт қизча ингради. Аёл чаққон ўрнидан туриб, қизчани айланиб-ўргилиб, авайлаб кўтарганча тоза ҳавога — ташқарига йўналди. Мен эса халқимизга хос бағрикенглик, болажонлик, меҳр-оқибатлилик каби фазилатларни ўзида жамлай билган бу аёлнинг изидан ҳавас билан қараб қолдим. Шуни айтадилар-да, узоқдаги қариндошдан ёнингдаги қўшни яхши, деб.

Истиқлол инъом этган неъматлар ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб гапирсак арзийди. Назаримда, истиқлол шукуҳи ҳатто қўни-қўшничилик муносабатларини ҳам азалий изига солгандай.

Кечки салқинда пойтахтимизнинг Чилонзор тумани «Дўмбиробод» маҳалласида жойлашган кўп қаватли турар-жой бинолари оралаб борарканман, шўх-шодон суҳбат қуриб ўтирган аёлларга кўзим тушди. Қўшнилар бекорчиликдан суҳбатлашиб ўтиришгандир, дея ўтиб кетаётиб, беихтиёр нимадир тўқишаётганини пайқаб қолдим. Яқинроқ бориб қарадим: қўлларидаги калава ип ва сим билан пайпоқ, нимча, қалпоқ, юбка сингари кийимлар тўқиб ўтиришибди. Улар билан сўрашиб, суҳбатга тортдим.

— Кўп йиллардан бери мана шу 12-қаватли уйда яшаймиз, — дейди ўзини Зарифа Исматхўжаева деб таништирган аёл. — Илгари рўпарадаги қўшнини ҳам тузукроқ танимасдик. Бошқа йўлакдагилар, қаватдагилар ҳақида-ку гапирмай қўя қолай. Шукрки, ҳозир барча қўшнилар бир-бири билан иноқ. Ким нима иш билан машғул, уйига ким келиб ким кетади, қариндош-уруғи ким — бари маълум. Кўчабошимиз Шоира Арипованинг саъй-ҳаракати боис, уйимизнинг ён-атрофи обод, йўлаклар тоза ва шинам. Уй ишларимиздан бўшаганимиздан сўнг шу ерда суҳбатлашиб ўтирардик. Қўшни аёллардан бирининг кўмагида тўқишни ўргандик. Энди, кўриб турганингиздек, ҳам суҳбат қуриб кўнгил ёзамиз, ҳам рўзғорга фойдамиз тегяпти. Шу кунларда буюртмалар ҳам кела бошлади.

— Қўшнилар жуда иноқ яшаймиз, — дейди кулиб аравачада чақалоғини тебратиб ўтирган ёш жувон. — Биласизми, яқинда кўзим ёриди. Айни қишга тайёргарлик кўриладиган пишиқчилик вақти. Энди бу ишларни қилолмайман, деб роса хуноб бўлгандим. Барака топишсин, қўшниларим бир кунда ҳашар қилиб ҳамма ишларимни битириб кетишди.

Айни кунларда истиқлолимизнинг 19 йиллигига тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Уй соҳибалари таъкидлаганидек, илгари қоронғу йўлакка битта чироқ қўйиш ҳам муаммога айланган бўлса, бугун бир йўлакдан кириб-чиқаётган инсонлар бамисоли улкан хонадонда аҳил яшаётган катта оилани эслатади. Дўмбирободлик аёллар билан суҳбатлашиб тоғдек кўтарилган кўнглимдан бир ўй кечади: илоҳим, орамиздаги меҳр-оқибат ришталарига кўз тегмасин, онгимизу қалбимизга бобомерос ҳисларни тобора чуқур сингдираётган истиқлолимиз абадий бўлсин.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

Хабарлар

КУРАШ

# ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ САРИ

**ИСТАНБУЛ** шаҳрида Кураш халқаро ассоциацияси (IKA) Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда Осиё, Европа, Африка, Панамерика ва Океания кураш конфедерациялари, Россия, Туркия, Греция, Франция, Италия, Польша, Жанубий Африка Республикаси, Марокаш, Ҳиндистон, Эрон ва Мўғулистон каби ўндан зиёд мамлакат кураш федерациялари мутасаддилари ўзбек спортини янада ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

IKA президенти К.Юсупов Кураш халқаро ассоциацияси спорт оламидаги нуфузли ташкилот – SportAccord (GAISF) таркибига қўшилиш учун ариза топширгани ва бу борада музокаралар жараёни давом этаётганини маълум қилди. Таъкидлаш лозимки, GAISF Халқаро Олимпия қўмитаси фаолиятида муҳим ўрин тутади. Мазкур уюшмага юздан зиёд спорт ташкилотлари аъзо. IKAнинг SportAccordга аъзо бўлиши Ўзбек курашининг Олимпия ўйинларига киритилиши йўлидаги яна бир залворли қадам бўлади.

ТЕННИС

# БОШ СОВРИН УЧУН КУРАШ

**АҚШ**нинг Цинциннати шаҳрида бошланган халқаро турнирда ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова бош соврин учун куч синашмоқда.

Нуфузли мусобақанинг саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган Оқгул асосий турнинг биринчи учрашувида япониялик Кимико Датэ Круммдан ҳар томонлама устунлигини намойиш қилди ва 6:1, 6:2 ҳисобида зафар қучди. У кейинги босқичда сербиялик Бояна Йовановски билан рақобатлашади.

ШАХМАТ

# НАФИСА – КУЧЛИ УЧЛИКДА

**ПОЛЬША**нинг Котова шаҳрида шахмат бўйича йигирма ёшгача бўлган спортчилар иштирокида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини халқаро тоифадаги спорт устаси Нафиса Мўминова муносиб ҳимоя қилмоқда.

Истеъдодли шахматчимиз олтинчи турда польшалик Мария Гоциняк билан рақобатлашди ва рақибасини мот қилиб, муҳим очкони қўлга киритди. Чемпионатда пешқадамлик қилаётган словениялик Анна Музичук ва ҳиндистонлик Рут Падминидан атиги ярим очкога ортда бўлган Нафиса навбатдаги учрашувда қозоғистонлик Гулисхон Нахбоева билан ўйнайди. Еттинчи турдаги ғалаба шахматчимизни биринчи ўринга олиб чиқиши мумкин.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ.**

Танлов

# ДЎППИДЎЗЛАР — МАҲОРАТДА БЕЛЛАШДИЛАР



**Урганч шаҳрида «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан...» республика кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди.**

Ушбу анъанавий танлов ёшларимизни миллий қадриятлар, бой тарихимиз, бебаҳо меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда, «устоз-шогирд» йўналишида миллий ҳунармандчилигимизнинг дўппидўзлик, каштачилик, зардўзлик сингари ноёб турларини тиклаш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Танловда шаҳар ва туманлардан сараланган моҳир дўппидўзлар ўз маҳоратини яна бир бор синовдан ўтказди. Иштирокчилар миллий қадриятларимизга бағишланган саҳна кўринишларини намойиш этди. Тадбирда дўппидўзликнинг нозик жиҳатлари, мазкур ҳунар соҳибларининг маҳорат сирлари ҳақида сўз юритилиб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос дўппи ва либослари кўргазмаси ташкил этилди.

Урганч саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Латофат Мўминова, урганчлик Қамарпошша Оллақулиева танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Тафаккур дурдоналари

# МАҚТОВЛАРГА ПАРВО ҚИЛМАНГ

Ким ҳаддан ташқари узоқни кўрса, у қалбан нотинч бўлади. Йўқ нарсага олдиндан ташвишланмагин ва ҳали йўқ нарсага қувонмагин.

Ким шерга ўхшаб меҳнат қилса, бахт маъбудаси ўшани йўқлайди. Мардонавор ишлар билан тақдирни енг: агар сенинг ҳаракатларинг муваффақият келтирмаса, бунда сенинг айбинг йўқ.

Ботир одам, олим киши ва гўзал аёл қаерга бормасинлар, ҳамма жойда паноҳ топадилар.

Дўстингдан қарз олма ва дўстингга қарз берма. Қарз худди қайчи каби дўстликни кесади.

Ортиқча мақтов ва ортиқча танбеҳларга парво қилмаган, зарбаларга зарба билан жавоб бермаган, хафа қилганларга ёмонлик истамаганларга тангрилар ҳам ҳавас қиладилар.

**Қадимги миср ва ҳинд халқлари ҳикматларидан.**

Хотира турнири

# ИҚТИДОРЛИ БОКСЧИЛАР ЖИЗЗАХДА ЖАМ БЎЛИШДИ

**ЖИЗЗАХ** тумани «Равалиқ» шаҳарчаси фуқаролар йиғини ҳудудидаги иқтисодиёт коллежида 1998—1999 йилларда таваллуд топган болалар ўртасида халқ таълими аълочиси Азимжон Бадалов хотирасига бағишланган VII анъанавий мусобақа бўлиб ўтди. Унда жиззахлик ёш боксчилар билан бир қаторда Наманган, Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилояти вакиллари ҳам қатнашишди. Турнирда 132 нафар бола рингга чиқиб, ўз маҳоратларини намойиш этди.

Мусобақа натижаларига кўра, энг кичик — 20 килограмм вазндаги иштирокчи Жиззах туманининг 12-бокс мактаби тарбияланувчиси Зоҳиджон Қодиров, 24 килограмм вазнда Жиззах шаҳри вакили Умарқул Эрматов, 26 килограмм вазнда қашқадарёлик Денис Муҳаммадшен, 30 килограмм вазнда Жиззах туманидаги Ҳ.Олимжон номидаги маҳалла вакили Умид Тожибоев, 32 килограмм вазнда фарғоналик Давлат Хурсандалиев, 34 килограммликлар орасида Самарқанд шаҳридан Феруз Содиқов ҳамда Жиззах туманидаги бокс мактаби тарбияланувчиси Авазбек Юсупов, Қарши шаҳридан келган ёш боксчи Фирдавс Сафаров, Жиззах олимпия заҳиралари коллежи вакили Латиф Аҳмедов, Жиззах вилояти болалар ва ўсмирлар мактаби ўқувчиси Шаҳзод Муродов мусобақа ғолиблигини қўлга киритиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.



**Абдували ҚАРШИЕВ,**
**«Маҳалла» мухбири**

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳафталик газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75, 236-57-62
Факс: — 233-39-89

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма тобоқ.
Навбатчилар: Б.Эгамқулов, Р.Шерқулов
Мусаҳҳиҳ: Гўзал Норчаева

Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили:
Тошкент, "Буюк Турон" кўчаси 41.

www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz

16375 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-713 Топширилди — 4.10 1 2 3 5